

Қуръони Каримнинг ноёб ва қадимий қўлёзмалари



14:30 / 20.01.2021 1931

Шаржа шаҳридаги Ислом цивилизацияси музейи Ғарбий Осиё минтақасидаги энг муҳим музейлардан бири ҳисобланади. Унда Ислом цивилизацияси ва санъатига оид асарлар намойиш этилади. Ушбу музей асарлари орасида Қуръони Каримнинг ноёб ва қадимий қўлёзмалари ўрин олган.



Шунингдек, Шаржадаги Ислом цивилизацияси музейи 2008 йилда очилган. Музейда Ислом маданияти асарлари ва Ислом дунёсига оид 5000 дан ортиқ асарлар мавжуд. Ушбу ашёларга каллиграфия буюмлари, мозаикалар, сопол идишлар, тангалар, кристаллар, қўлёмалар, металл буюмлар ва илмий асбоблар киради. Музейнинг аввалги номи Ислом музейи деб аталган.



Музей еттита йирик галерея ва кўргазма майдонларидан иборат. Ушбу жойнинг бир қисми турли хил Қуръон қўлёзмалари ва қадимий нусхалари кўргазмасига бағишланган.

Хуршид Маъруф тайёрлади